



OPPORTUNITIES FOR UZBEKISTAN'S INTEGRATION INTO COSMOGENIC, TECHNOGENIC, AND ANTHROPOGENIC CIVILIZATIONS

Jamshid Abdurashidovich Ochilov

Independent Researcher at Samarkand State Pedagogical Institute

PhD, Associate Professor at the Institute for Advanced

Training and Retraining in the Religious and Educational Sphere

j.ochilov@mail.ru

Samarkand, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: integration, cosmogenic civilization, technogenic civilization, anthropogenic civilization, global cooperation, sustainable development.

Received: 11.02.26

Accepted: 12.02.26

Published: 13.02.26

Abstract: The article analyzes Uzbekistan's opportunities for integration into cosmogenic, technogenic, and anthropogenic civilizations. The focus is on step-by-step and peaceful integration based on the country's scientific and technological potential, its geostrategic significance, and prospects for global cooperation. The study also highlights the importance of this process in enhancing Uzbekistan's international prestige and ensuring economic and environmental sustainability.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОСМОГЕН, ТЕХНОГЕН ВА АНТРОПОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Жамшид Абдурашидович Очилов

Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти (PhD)

Доценти, Самарқанд давлат педагогика институти мустақил изланувчиси

j.ochilov@mail.ru

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: интеграция, космоген цивилизация, антропоген цивилизация, глобал ҳамкорлик, барқарор ривожланиш.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг космоген, техноген ва антропоген цивилизацияларга интеграциялашиш имкониятлари таҳлил қилинади. Мамлакатнинг илмий-техник салоҳияти, геостратегик аҳамияти ва глобал ҳамкорлик истиқболлари асосида интеграция жараёнлари босқичма-босқич ва тинч йўл билан амалга оширилишига

эътибор қаратилган. Шунингдек, бу жараённинг мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш, иқтисодий ва экологик барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти кўриб чиқилади.

ВОЗМОЖНОСТИ ИНТЕГРАЦИИ УЗБЕКИСТАНА В КОСМОГЕННУЮ, ТЕХНОГЕННУЮ И АНТРОПОГЕННУЮ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Жамиид Абдурашидович Очилов

PhD, Доцент Института повышения квалификации и переподготовки кадров в религиозно-просветительской сфере

Независимый исследователь

Самаркандского государственного педагогического института

j.ochilov@mail.ru

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: интеграция, космогенная цивилизация, техногенная цивилизация, антропогенная цивилизация, глобальное сотрудничество, устойчивое развитие.

Аннотация: В статье анализируются возможности интеграции Узбекистана в космогенные, техногенные и антропогенные цивилизации. Особое внимание уделяется поэтапной и мирной интеграции на основе научно-технического потенциала страны, её геостратегического положения и перспектив глобального сотрудничества. Также рассматривается значение этого процесса для повышения международного престижа страны, обеспечения экономической и экологической устойчивости.

Кириш. Ҳозирги глобал даврда мамлакатлар нафақат миллий ривожланиш, балки халқаро ҳамжамиятда самарали интеграциялашишга ҳам эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда қолмай, ўзининг геостратегик аҳамияти, маданияй ва илмий салоҳияти, шунингдек, технологик ва инновацион имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, турли цивилизациялар йўналишлар билан интеграциялашишга интиломоқда.

Айниқса, космоген, техноген ва антропоген цивилизациялар билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун нафақат илмий ва техник тараққиёт, балки экологик барқарорлик, глобал хавфсизлик ва иқтисодий шерикликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим восита сифатида хизмат қиломоқда. Мамлакатнинг бу йўналишдаги имкониятлари, стратегик манфаатлар билан уйғунлашган ҳолда, барқарор ривожланиш ва халқаро майдондаги нуфузини ошириш учун кенг замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг геомаданий, тарихий ва маънавий мероси билан мазкур цивилизацион моделлар кесишувида жойлашган давлат сифатида алоҳида аҳамият касб этади. “Биз бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар ақли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму-фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, Мағрибу Машрикка ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди”[2:329-330]. Космоген цивилизация нуқтаи назаридан Ўзбекистон қадимий астрономик билимлар, коинот ва табиат уйғунлигига асосланган илмий анъаналарни ўз тарихи давомида шакллантирган. Техноген цивилизация шароитида эса мамлакат рақамли трансформация, инновацион иқтисодиёт, энергетика ва инфратузилма соҳаларида глобал тараққиёт тенденцияларига интеграциялашиш имкониятига эга. Антропоген цивилизация доирасида Ўзбекистон инсон капитали, маънавий кадриятлар, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни устувор йўналиш сифатида илгари сурмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари — минтақавий барқарорликни таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш, фан-таълим интеграциясини кучайтириш ва инсоний тараққиётга йўналтирилган глобал мулоқотни ривожлантиришга қаратилган онтологик мазмунга эга бўлган стратегиялар сифатида намоён бўлади. Бу ташаббуслар мамлакатнинг жаҳон цивилизацион маконида фаол субъект сифатида шаклланаётганлигини, унинг космоген, техноген ва антропоген цивилизациялар ўртасидаги интегратив боғловчи бўғинга айланиш имкониятларини яққол намоён этади.

Адабиётлар таҳлили. Ушбу тадқиқотда илмий ва таҳлилий методлар қўлланилди. Замонавий тадқиқотчиларнинг асарлари ва илмий мақолаларидан таҳлиллар учун фойдаланилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли асари, БМТдаги нутқлари тадқиқот ишининг методологиясини бойитишда фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзишда ворисийлик, холислик, изчиллик, қиёсий таҳлил, таққослаш, тарихийлик ва мантиқийлик каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда жаҳонда кечаётган глобаллашув, рақамлаштириш ва технологик янгиланиш жараёнлари шароитида ҳеч бир соҳада илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этмасдан туриб барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди. Илмий билимлар ва инновацион ишланмалар иқтисодиёт, sanoat, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, таълим ҳамда давлат бошқаруви каби барча соҳаларда

самарадорликни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий омилларига айланмоқда.

Илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларига жорий этиш орқали янги технологиялар, замонавий маҳсулотлар ва юқори қўшимча қийматга эга хизматлар яратилади. Бу эса иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, инновацион муҳитни шакллантириш ва жамият тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Шу нуктаи назардан, илм-фан ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, уларни амалиёт билан узвий боғлаш ҳар бир давлат ва жамиятнинг стратегик устувор вазифаси ҳисобланади.

Замонавий цивилизацион тараққиёт шароитида космоген цивилизацияга интеграциялашиш давлатларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш стратегияларини шакллантиришда муҳим омилга айланмоқда. Ушбу жараён, аввало, Ерни масофадан зондлаш технологиялари, сунъий йўлдош маълумотларини таҳлил қилиш ҳамда космик мониторинг тизимларини жорий этиш билан боғлиқдир. Мазкур технологиялар геодезия, қишлоқ хўжалиги, сув ресурсларини бошқариш, иқлим ўзгаришини кузатиш ва фавқулодда ҳолатларни олдиндан башорат қилишда стратегик аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида космоген цивилизацияга интеграциялашиш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар институционал ва амалий жиҳатдан тизимли характерга эга. Хусусан, 2019 йилда ташкил этилган “Ўзбеккосмос” агентлиги мамлакатда космик фаолиятни мувофиқлаштирувчи марказий агентлик сифатида фаолият юритмоқда. Айни пайтда сунъий йўлдош маълумотларидан ер деградацияси ва чўлланиш жараёнларини аниқлаш, сув ресурслари тақчиллигини баҳолаш, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда табиий ва техноген фавқулодда ҳолатларни прогнозлашда кенг фойдаланилмоқда. Бу эса космик технологияларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида амалий аҳамиятини ошираётганини кўрсатади. Иқтисодиётнинг космик тармоғини ривожлантириш замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида стратегик аҳамият касб этади. Хусусан, фазовий йўлдош технологияларини жорий этиш ерни масофадан зондлаш, геоахборот тизимлари, навигация, иқлим мониторинги, қишлоқ хўжалиги, транспорт логистикаси ва фавқулодда вазиятларни бошқариш каби соҳаларда самарадорликни сезиларли даражада ошириш имконини беради. Сўнгги йилларда сунъий интеллект, катта маълумотлар (Big Data) ва булутли ҳисоблаш технологиялари билан интеграциялашган спутник тизимлари иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш ва бошқаришда янги илмий-амалий ечимларни тақдим этмоқда.

Шу билан бирга, инновацион ғоя ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш, жумладан, кичик ўлчамли сунъий йўлдошлар (CubeSat, NanoSat), қайта фойдаланиладиган учирли

тизимлари ҳамда хусусий космик стартапларни қўллаб-қувватлаш орқали миллий космик экотизимни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув илмий тадқиқот муассасалари, олий таълим ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида самарали кооперацияни таъминлайди.

Спутник алоқасининг миллий тармоғини ривожлантириш, айниқса, давлат-хусусий шерикчилиги асосида амалга оширилганда, инвестициявий жозибадорликни ошириш, технологиялар трансфери ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш имконини беради. Бу эса ахборот хавфсизлигини таъминлаш, рақамли тенгсизликни қисқартириш ва мамлакатнинг глобал космик бозорда рақобатбардошлигини кучайтиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, космик тармоқни ривожлантиришга қаратилган ишларни жадаллаштириш барқарор иқтисодий ўсиш ва инновацион тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: “Сунъий интеллект билан ёнма-ён юрадиган космик соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш, йўлдошли алоқа технологияларини жорий этиш борасида ҳам катта қадамлар ташладик. Бу борада 2028 йилда Самарқандда Халқаро астронавтика конгрессини ўтказишга пухта тайёргарлик кўряпмиз. Бугун сизларга яна бир муҳим янгиликни айтмоқчиман. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор космик соҳада сунъий йўлдош ва мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи ўзбек космонавтини фазога учираш бўйича ишларни бошладик. Бу – Янги Ўзбекистоннинг илмий ва технологик ривожланишига, умуман, миллий тараққиётимизни янги босқичга олиб чиқишга катта туртки беради, деб ишонаман”[3], - деб таъкидладлаганлари айтилиши ҳақиқатдир.

Космоген цивилизацияга интеграциялашиш жараёни халқаро ҳамкорлик билан узвий боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Франция ва Корея Республикаси каби давлатлар билан космик технологиялар, маълумотлар алмашинуви ва мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ушбу ҳамкорлик мамлакатнинг мустақил сунъий йўлдош яратишдан кўра, космик маълумотлар ва сервислардан самарали фойдаланишга асосланган интеграция моделига устуворлик бераётганини англатади.

БМТнинг Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси (COPUOS) йиғилишларида миллий манфаатларни илгари суриш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланишни таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро майдонда Ўзбекистон БМТ доирасида космик технологиялардан тинч мақсадларда фойдаланиш ғоясини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шунингдек, Марказий Осиё минтақаси учун ягона космик мониторинг тизимини шакллантириш таклифи илгари сурилиб, у экологик хавфсизлик, иқлим мониторинги ва

трансчегаравий табиий ресурсларни бошқаришда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон космоген цивилизацияга интеграциялашишда юқори ҳаражатли сунъий йўлдош инфратузилмасини яратиш эмас, балки космик маълумотлар, таҳлилий платформалар ва сервислардан фойдаланишга асосланган прагматик ва барқарор моделни танлаган. Ушбу ёндашув мамлакатнинг экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этишда космик технологияларни онтологик ва амалий ресурс сифатида жорий этиш имконини беради.

Дарҳақиқат, “Бугунги таҳдидларга тўла дунёда глобал транспорт тизими нақадар заиф эканлигига амин бўляпмиз. Бу муаммолар, биринчи навбатда, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган давлатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро транзит коридорларининг хавфсизлигини таъминлаш ва самарали логистика занжирларини яратиш ўта муҳимдир. Бу борада “Барқарор ривожланиш мақсадлари учун ўзаро транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш” глобал механизмини жорий этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз”[4]. Халқаро транзит коридорларининг хавфсизлигини таъминлаш ва самарали логистика занжирларини яратиш замонавий глобал иқтисодиётда стратегик аҳамият касб этади. Бу коридорлар орқали мамлакатлар ўртасида товар, хизмат ва инвестиция оқимлари таъминланади, шу билан бирга минтақавий ҳамкорлик ва савдо алоқалари ривожланади. Хавфсиз ва барқарор транзит инфратузилмаси яратиш транспорт тизимидаги турли рискларни, жумладан, киберхавфсизлик, терроризм, транспорт-қоидабузарлик ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиради.

Шу билан бирга, замонавий логистика занжирларини ривожлантириш автоматлаштирилган кузатув тизимлари, IoT (Internet of Things) технологиялари, сунъий интеллект асосидаги прогнозлаш ва оптималлаштириш моделлари ҳамда рақамли бошқарув платформаларини жорий этишни талаб қилади. Бу технологиялар товарларнинг ҳаракатини реал вақтда мониторинг қилиш, транзит муддатларини қисқартириш, ҳаражатларни оптималлаштириш ва етказиб бериш хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, халқаро транзит коридорлари хавфсизлиги ва самарали логистика тизимини шакллантириш нафақат иқтисодий манфаатларни таъминлайди, балки минтақавий интеграция, барқарор транспорт инфраструктураси ва глобал савдо-сотик тизимининг узлуксизлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш жараёнларига тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ресурслардан самарали фойдаланиш, энергия сарфини камайтириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Хусусан, энергия тежовчи ускуналар, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, рақамли мониторинг ва

оптималлаштириш технологияларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин. Бу эса корхоналарнинг рақобатбардошлигини кучайтириш билан бирга атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтиради.

Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан, жумладан қуёш, шамол, биоэнергия ва геотермал технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Қайта тикланувчи технологияларни ишлаб чиқариш инфратузилмасига интеграция қилиш орқали углерод чиқиндиларини қисқартириш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга татбиқ этиш имконияти яратилади. Шу нуқтаи назардан, тежамкор ва қайта тикланувчи технологияларни кенг жорий этиш илмий-тадқиқот ишлари, инновацион ечимлар ва инвестициявий қўллаб-қувватлаш билан уйғун ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Техноген цивилизация йўналишида Ўзбекистон халқаро ташаббуслари Яшил энергетика бўйича халқаро шериклик, Технологик трансферни ривожлантириш, Марказий Осиёда энергетик хавфсизликни таъминлаш ғояларидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммитида ушбу йўналишларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида “Энергетик ўтиш ва “яшил” энергетикани ривожлантириш бўйича самарали иссиқлик станциялари, қуёш ва шамол энергия қурилмаларини барпо этиш, когенерация, йўқотишларни қисқартириш, зарарли газларни ушлаб қолиш ва фойдаланиш технологияларини жорий этиш каби аниқ лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Бундан ташқари “Япония технопаркларининг Марказий Осиё тармоғи – саноат кооперацияси, маҳаллийлаштириш ва технологиялар трансфери минтақавий платформасини яратишни таклиф этамиз. Технопарклар тармоғини минтақадаги ҳар бир мамлакатнинг хомашё ва саноат соҳасидаги имкониятларидан келиб чиқиб, тақсимлаш мумкин”[5] деган таклифларни билдириб ўтдилар.

Антропоген цивилизацияга интеграциялашишнинг асосий йўналишлари ва имкониятлари сифатида барқарор ривожланиш, экология ва сув хавфсизлиги, инсон капитали, тинчлик ва бағрикенгликни келтириш мумкин. Бу борада амалдаги чоралар сифатида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш концепцияси ишлаб чиқилди, шунингдек, яшил макон умуммиллий лойиҳаси ҳамда экологик таълим ва жамоатчилик назорати борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясида Орол денгизи муаммосини глобал кун тартибига олиб чиқиш борасида халқаро ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари

Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида: “Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши лозим. Биз Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш бўйича ишларни изчил давом эттиряпмиз. Сўнги йилларда денгизнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилди. 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоиз қисмида яшил қопламалар ҳосил қилинади”[4] -деб, ташаббусли фикрни билдириб ўтади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича резолюциялар, Марказий Осиёда экологик ҳамкорлик платформасини яратиш борасидаги ташаббуслари таксинга лойиқ.

Ўзбекистон антропоген цивилизацияда инсон – табиат – жамият уйғунлиги концепциясини илгари сурмоқда. Бу концепция инсон фаолиятининг экологик, ижтимоий ва иқтисодий таъсирларини мослаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган. Уйғунлик принциплари асосида давлат сиёсатини шакллантириш ва стратегияларни ишлаб чиқиш орқали инсоннинг табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиши ва ижтимоий тараққиётнинг узлуксизлиги таъминланади.

Шунингдек, ушбу концепция атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежамкорлик билан бошқариш, экологик барқарор инфратузилма ва зелёная иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Замонавий илмий-технологик ютуқлар, сунъий интеллект ва катта маълумотлар (Big Data) асосида экологик мониторингни олиб бориш орқали атроф-муҳит ҳолати доимий равишда таҳлил қилинади ва инсон фаолиятининг салбий таъсири камайтиради.

Шу йўл билан Ўзбекистоннинг инсон – табиат – жамият уйғунлиги концепцияси нафақат миллий барқарорликни таъминлайди, балки глобал экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ҳам илғор тажрибани тақдим этади, барқарор тараққиёт ва инновацион ривожланишни интеграл ёндашув орқали амалга ошириш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон космоген, техноген ва антропоген цивилизацияларга мувозанатли, босқичма-босқич ҳамда тинч йўл билан интеграциялашиш стратегиясини изчил равишда олиб бормоқда. Мамлакатнинг бу йўналишдаги сиёсати инновация, технология ва билим иқтисодиётини ривожлантиришга асосланган бўлиб, барқарор тараққиётнинг миллий ва минтақавий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари глобал хавфсизлик, экологик барқарорлик ва технологик тараққиётни таъминлашга йўналтирилган. Хусусан, мамлакат минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, ядровий ва химиявий хавфсизлик, сув ресурсларини

оқилона бошқариш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши кураш каби долзарб муаммоларда фаол рол ўйнаб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ташкилотлар билан самарали шериклик қилиб, глобал иқтисодий ва илмий платформаларда иштирок этиш орқали илғор технологияларни татбиқ этиш ва маҳаллий инновацион лойиҳаларни ривожлантириш имкониятини кенгаймоқда. Бу эса мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва стратегик шерикликларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг интеграцияси тинч ва босқичма-босқич усулда амалга оширилиши, мамлакатга глобал муаммоларни ҳал этишда барқарор ва масъулиятли сиёсий позицияни сақлаб қолиш имконини беради. Шу тариқа, мамлакат нафақат ўз миллий манфаатларини таъминлаб, балки минтақавий ва глобал даражада ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2025-йил 27-декабр, №274 (9169).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи, 2025-йил 24-сентябр, №197 (9092).
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммитидаги нутқи // Халқ сўзи, 2025-йил 21-декабр, №268 (9163).
6. Очиллов Ж.А. Глобал техноген цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2017. – 160 б.